Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 17-iyul, payshanba № 87 (3436)

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир фикримни яна такрорлашни жоиз деб биламан: дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон ғаллакорларига

Қадрли дўстлар!

Она Ўзбекистонимизнинг равнақига улкан ҳисса қўшадиган, ҳар қайси оиланинг, эл-юртимизнинг ризқ-рўзини, дастурхонини тўкин қиладиган, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришкор деҳқонларимиз фидокорона меҳнатининг натижаси бўлмиш ғалла хирмонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради ва ғурур-ифтихор бағишлайди, десам, сиз, азизларнинг, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бугун деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнаткашларининг пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнати эвазига қўлга киритилган ғалаба билан — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш — мен учун катта бахт.

Мана шу қувончли айёмда бу мисли кўрилмаган ютуқнинг моҳияти ва қадр-қимматини ҳар томонлама чуқур англаш учун бир вақтлар, яъни, эндигина мустақилликка эришган биринчи кунларда давлатимиз омборларида халқимизни боқиш учун фақатгина бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик остонасида, жар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва хатарли замонни бошимиздан кечирганимиз ва бугунги қўлга киритган, ҳақиқатан ҳам буюк марраларнинг баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мана шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганимизга минг бора шукроналар айтишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Шу ўринда бу тарихий ютуқнинг туб моҳиятини очиб берадиган баъзи бир рақамларни эсга олишимиз табиийдир.

Бундан 23 йил олдин биз 21 миллиондан зиёд аҳолимизнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тонна ғаллани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, кимларгадир муҳтож бўлиб, ялиниб-ёлвориб олиб келишга мажбур эдик.

Бугунги кунда эса биз 31 миллиондан ортиқ аҳолимизни ўз донимиз, ўз беминнат нонимиз билан тўла таъминлабгина қолмасдан, балки чет элга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айландик. Ўтган давр мобайнида ўлкамизда ғалла етиштиришнинг умумий ҳажми 940 минг тоннадан 8 миллион тоннага етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Айнан мана шу ҳолатларни қиёслаганда, юрагимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини такрор ва такрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бу йилги мавсум ҳақида гапирганда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар, биринчи навбатда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб, унинг ривожи учун барча шароитларни яратиб берганимиз, бу ҳаракатнинг қишлоқда чиндан ҳам асосий куч бўлиб майдонга чиқаётгани, фермерлар, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянч устунига айланиб, деҳқонларимиз ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани биз қўлга киритган улкан ютуқнинг ҳал қилувчи омили бўлганини таъкидлаш лозим.

Ҳаммамиз шунга гувоҳмиз — жорий мавсум ўтган йилларга нисбатан осон бўлмади. Табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Қиш фаслида совуқ ва аёзли кунлар меъёридан ортиқ бўлгани, март-апрел ойларининг биринчи ярмида ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, айрим ҳудудларда кучли жала ва дўл ёққани, сув тақчиллиги, шамол ва бўронларнинг салбий оқибатлари, турли касаллик ва ҳашаротларга қарши курашишга тўғри келгани — буларнинг барчаси деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Ана шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари, аввало, ишни тўғри ташкил этиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлгани ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион 700 минг тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 11 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилгани, ҳеч шубҳасиз, сара дон етиштиришда муҳим рол ўйнади.

Сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, фермер хўжаликларини молиявий ресурслар, аввалambор имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш бўйича шаклланган аниқ тизим асосида самарали олиб борилган ишлар бугунги муваффақиятга пухта замин бўлганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоятлар, жумладан, нисбатан оғир иқлим шароитида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонлари ҳам ғалла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли бажаришга эришдилар. Фарғона ва Андижон вилоятларида ўртача ҳосилдорлик 62 центнерни, Самарқанд вилоятида 61 центнер, Бухоро ва Наманган вилоятларида 60 центнер, Қашқадарё вилоятида 58 центнер, Тошкент вилоятида 57 центнер, Навоий вилоятида 55 центнер, Сурхондарё вилоятида 51 центнерни ташкил этганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Бу борада бошқаларга ўрнак ва намуна бўлган Тошлоқ, Олтиариқ, Учкўприк, Вобкент, Поп, Учқўрғон, Иштихон, Ғиждувон, Уйчи, Пешку, Нарпай, Пастдарғом, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳрисабз, Хатирчи, Олтинкўл, Дўстлик, Кармана, Мирзачўл, Яккабоғ, Пахтакор, Навбаҳор, Юқори Чирчиқ, Китоб, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Боёвут, Сирдарё, Денов туманларида ҳосилдорлик 60-70 центнердан ошганини таъкидлаш жоиз.

Юртимиздаги ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 90-100 центнердан ҳосил олингани деҳқонларимизнинг қандай улкан ишларга қодир эканини кўрсатади. Шулар қаторида биз бугун Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», Фурқат туманидаги «Ортиқали Ғаниев», Учкўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Олтиариқ туманидаги «Хайрулла Баҳром Бойматов», Иштихон туманидаги «Асалчи Элдор», Қува туманидаги «Олтин диёр», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», «Ўзбекистон», Навбаҳор туманидаги «Очилова Инобат», Пахтаобод туманидаги «Абдулазиз», Кармана туманидаги «Амир Ғолиб келажак», «Саволтепа равнақи», Янгийўл туманидаги «Ситорахон», Олтинкўл туманидаги «Гулгун диёр имкони», Жондор туманидаги «Мурод Рустам», Қўштепа туманидаги «Абдулҳофиз Халилов», Ғиждувон туманидаги «Файз» каби фермер хўжаликларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир фикримни яна такрорлашни жоиз деб биламан: дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай инсонлар меҳнатини ҳар қанча қадрлаб, уларнинг дарду ташвишлари ва эҳтиёжларига яқин бўлиб, уларни доимо рағбатлантириб, хурсанд қилиб, рози қилиб юрсак, очиқ айтаман, шахсан мен ўзимни беармон, бахтли одам деб ҳис қиламан, десам, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Шулар ҳақида гапирганда, бу йил етиштирилган мўл ғалла ҳосилининг 5 миллион 117 минг тоннаси, яъни 60 фоизи деҳқон ва фермерларимиз, аҳолимиз ихтиёрида қолдирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хонадонларимизга қут-барака, фаровонлик олиб кирадиган бундай қувончли ҳолатни барчамиз дала меҳнатчиларининг ўз ишидан манфаатдорлиги ортиб, машаққатли меҳнати муносиб қадр топаётганининг яна бир тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бораётгани, маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Мана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган, чуқур ўйланган ислоҳотлар ҳамда сиз, ҳурматли деҳқон ва фермерларимизнинг самарали меҳнати ҳисобидан биз халқимизни асосий озиқ-овқат, аввало, дон маҳсулотлари билан тўла ва ишончли тарзда таъминлашга эришганимиз халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани айниқса эътиборлидир.

Бу ҳақиқатнинг амалий ифодасини яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, энг ривожланган давлатлардан келган кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари жойларда бўлиб, сизларнинг фаолиятингиз билан яқиндан танишиб билдирган фикрлари мисолида яққол кўриш мумкин. Конференция иштирокчиларининг фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларга давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини кенг ўрганишга тавсия этгани албатта ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Айни вақтда барчамиз яхши тушунамизки, замон талаби тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда фақатгина эришган ютуқлар билан чекланиб, кифояланиб қолишимиз мумкин эмас. Юртимизда ғаллачилик билан бирга бутун қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш, бу борадаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш бўйича ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Шулар қаторида аграр соҳа самарадорлигини янада ошириш, бугунги фермерларимиз бошлаган ижобий ишларни муносиб давом эттира оладиган янги фермерлар авлодини, фермер хўжаликларини замонавий асосда бошқаришга қодир бўлган фермер-менежерларни шакллантириш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Бугунги шодиёна кунда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимизни чин юракдан қутлар эканмиз, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг олам аҳлининг тўқлиги ҳам, хурсандчилиги ҳам, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонларнинг меҳнатидандир, деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз, лафзи ҳалол бободеҳқонлар бунёд этган юксак ғалла хирмони — бу, аввало, тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, десак, янглишмаган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, бугунги улкан ҳосилга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан раҳматлар айтиб, барча-барчангизга таъзим қиламан.

Эл-юртимизни, оила ва хонадонларимизни турли бало-қазолардан Яратганимизнинг ўзи асрасин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо нондек азиз бўлинг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ғалла – 2014



Улкан зафар муборак!

Мамлакатимиз ғаллакорлари 8 миллион 50 минг тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этдилар. Бу улкан хирмон Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига муносиб тўёна бўлди.

2-саҳифа

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари чиқарилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2014 йил учун иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, энг аввало, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурлари амалга оширилишини жадаллаштириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётни диверсификациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг фаровонлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини изчил ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги кучайиб бораётган таҳдидлар ва қарама-қаршиликларга қарамай, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш, ўсишнинг мавжуд манбаларини сафарбар қилиш туфайли Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши — 8,1 фоизни, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши — 17,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан кўпайтириш ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,7 фоизга ва пуллик хизматлар ҳажми — 9,7 фоизга ўсишини таъминлади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича 52,4 фоиз ўрнига 52,7 фоизгача ўсди.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг 8 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлаш имконини берди.

Республиканинг аграр сектори тадрижий ўсиш суръатлари билан ривожланмоқда, қишлоқ жойларни ободонлаштириш, қишлоқ аҳолиси учун шинам яшаш шарт-шароитлари яратиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари 6,9 фоизга ўсиши таъминланди. Доннинг 8 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳажми етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Уй-жойлар қурриладиган янги қишлоқ массивларида 2014 йилга мўлжалланган 11000 та намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уйларнинг 4486 таси фойдаланишга топширилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг ҳар йилги дастурини тизимли амалга ошириш туфайли жорий йил бошидан бошлаб 506,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Улардан 303,2 мингтадан ортиғи ёки 59,9 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 17-iyul № 87 (3436)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, таълим сифатини оширишни, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишни таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига 2014 йил учун белгиланган барча асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг қабул қилинган комплекс дастурлари прогноз параметрларига эришишни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган топшириқлар ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни амалга оширишнинг натижадорлиги ва самарадорлигини батафсил таҳлил қилишга асосий эътибор берилди.

144 та зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган «йўл хариталари»ни фаол амалга ошириш туфайли 109 та корхонани зарар кўриб ишлашдан ва молиявий нобарқарорликдан чиқариш таъминланганлиги қайд этилди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарда умумий суммаси 3,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, қарийб 118 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспортга сотилди. Йирик саноат корхоналарида 1330 бирлик эскирган асбоб-ускуна янгиланди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 8,9 фоизга пасайтиришга эришилди.

Муҳокама жараёнида бир қанча компаниялар, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари олдига айрим зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган тадбирлар зарур даражада ташкил этилиши ҳамда ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан назорат қилишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолатини янада яхшилаш, уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини тубдан қисқартиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг қабул қилинган дастурлари доирасида 2014 йилга мўлжалланган муҳим ишга тушириш объектларини фойдаланишга топширишни таъминлаш ишларининг ҳолати ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Муҳим юқори технологик ва замонавий объектлар ва қувватларни ишга туширишни тезлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ва кўрилаётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари 10,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 28,8 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. Жорий йил бошидан бошлаб 2014 йил учун Инвестиция дастурига киритилган умумий қиймати 680 миллион доллар бўлган 64 та лойиҳани амалга ошириш туғалланди. 1651 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг эътибори янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштиришни таъминлайдиган амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди. Шунингдек, навбатдаги йилга Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш, уни республика ҳудудларини, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ўртача муддатли комплекс дастурлар билан ўзаро боғлашни таъминлаш юзасидан асосий масалалар ва ташкилий чора-тадбирлар белгиланди.


Мажлисда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишни танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрел ойида қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ 22 та рухсат берувчи тартиботлар бекор қилинганлиги, 21 та рухсат берувчи тартиботни расмийлаштириш муддатлари 2,1 баравар, шунингдек, фаолиятнинг 11 тури бўйича лицензияларни ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни расмийлаштиришда йиғимлар миқдори ўртача 4 баравар қисқартирилганлиги қайд этилди. Ҳужжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилиниши ҳисобига 31 та рухсат берувчи тартибот бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаси соддалаштирилди. Жорий йилнинг охиригача давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет тармоғи орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кичик бизнес субъектларига умумий суммаси 25,5 миллиард сўмлик 86 та давлат активлари сотилди, давлат мулкининг 19,4 мингта фойдаланилмаётган объектлари ижарага берилди. Банклар томонидан уларга 4,8 триллион сўм миқдорида ёки 2013 йилнинг биринчи ярим йилидагига қараганда 1,3 баравар кўп кредитлар берилди. Ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўсишига ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигига, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг иш билан бандлиги ва моддий фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этишга тадбиркорликнинг улушини жиддий равишда оширишни таъминлади. Кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес улушининг саноатда – 27 дан 28,4 фоизгача, бандликда – 75,8 дан 76,4 фоизгача ўсишини таъминлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даваржитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзгеодезкадастр» давлат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 2 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат мулки объектларининг бўшаб қолаётган ер участкалари базасида ташкил этиладиган кичик саноат зоналарида жойлаштиришни жадаллаштириш, уларда янги иш ўринларини яратиш бўйича инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси объектларини ташкил этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА



ЎзА суратлари

Улкан зафар муборак!

Бу йил юртимиз далаларида ўртача 55 центнердан ҳосил олинди. Илғор хўжаликларда бу кўрсаткич 90 центнердан ошди. 1991 йилда ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилгани, мамлакатимиз бўйича жами 940 минг тонна ғалла етиштирилганини тасаввур этадиган бўлсак, мустақиллик йилларида бу борада нақадар улкан ўсишга эришилгани аён бўлади.

Деҳқончилик учун қулай келган йилнинг ўзи йўқ. Бу йилги мавсумда ҳам ғаллакорларимиз турли табиат синовларини енгиб ўтишига тўғри келди. Омилкор фермерларимиз ўз вақтида зарур чоралар кўргани, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдалангани натижасида мўл ҳосил етиштирилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, навларни танлашда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб, суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш агротехникасини такомиллаштириш ғалланинг сифат ва истеъмол хусусиятларини янада оширмоқда. Серҳосил, касалликларга чидамли навларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, олимларимиз яратган «Чиллаки», «Дурдона», «Андижон-2», «Андижон-4», «Бобур», «Аср» ва «Туркистон» каби ўндан зиёд маҳаллий нав ҳосилдорликни янада ошириш имконини бермоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда нон тўкинлиги, халқимиз дастурхонида бу азиз неъмат мўл бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ғаллачилик ривожи чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқларга ҳам ижобий таъсир этиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми янада ортмоқда.

Бугун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран назар солсак, бу борадаги рақам ва кўрсаткичларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Айрим мамлакатларда озиқ-овқат, хусусан, ғаллачилик соҳасида жиддий муаммолар юзага келиб, нон тақчиллиги кузатилмоқда.

Минг шукрки, мамлакатимизда тўкинлик, мўл-кўлчилик, арзончилик барқарор. Бу аграр соҳани ислоҳ қилиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, ҳар томонлама сифатли ғалла навларини яратиш, буғдой ҳосилдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш борасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Меҳнатлари эвазига манфаатдорлиги ортаётган миришкорларимиз айни кунларда етиштирилган ҳосилни охиригача нестнобуд қилмай йиғиштириб олиш, ғалладан бўшаган майдонларда сомон поялари ва қолдиқларини тўплаш ҳамда пешма-пеш шудгор қилиш юмушлари билан банд.

ЎзА

Маънавият

Ўзбекистон туманидаги «Қудаш» ногирон аёллар «Мурувват» уйида маънавият кечаси бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, маънавият ва маърифат фидойилари қатнашиб, инсон тафаккурини юксалтиришда, меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришда китобнинг ўрни беқиёслигини эътироф этишди.

БЕНАЗИР ТУҲФА

Тадбирда Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Ф.Зоҳидов «Мурувват» уйи ахборот ресурс марказига ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг тўлиқ асарлари тўплами, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» мажмуаси ҳамда мустақиллик йилларида чоп этилган ижтимоий-сиёсий ва бадиий китобларни ҳадя этди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ҳашар

Юртимиз ободлиги ва жамиятимиздаги ижобий ўзгаришларда дунё тажрибасида ноёб ҳисобланган маҳалла институтининг роли катта. Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Ижодкорлар» маҳалласида ана шундай уюшқоқлик ва бирдамликни сезиш мумкин. Буларнинг бари, албатта, маҳалла оқсоқолининг жонкуярлиги билан боғлиқ. Оқсоқол Аҳмад ота Тўйчиев маҳалладошлари ишончини оқлаб, эл хизматини сидқидилдан бажармоқда.

Байрам тараддуди

Чунончи, «Боғи сарой» кўчасида аҳоли учун қулайлик яратилди. Бунгача махсус жой йўқлигидан чиқиндилар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда тўпланиб қоларди.

— Маҳалла фаоллари бирлашиб Боёвут туман ободонлаштириш бошқармаси билан шартнома имзоладик, — дейди Хадича ая. — Ойда икки бор кўчамизга «Махсус транс» келиб чиқиндиларни олиб кетади. Кўчамизда ёш болалар кўп, уларнинг ахлат буюмларига тегишларидан хавотир олардик, бу ташаббусдан хотиржам тортдик.

— Ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Аҳмад ота. — Эрта баҳорда оммавий равишда ҳашарлар ташкил этиб, кўплаб кўчатлар эккандик. Бугун уларнинг аксарияти униб, бўй чўзмоқда. Муборак Рамазон ҳайити, Мустақиллик куни яқинлашмоқда. Байрамлар, албатта, ободликда ярашади. Шу боис маҳалламизда ҳашар бошлаб юбордик.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Андижон томонларда

Избоскан туманидаги «Produce of universal» хусусий корхонасида мебел жиҳозлари учун бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Дастлабки 6 миллион сўмлик маҳсулот сифати, кўриниши билан маҳаллий ҳунармандларга маъқул бўлди.

ҲУНАРМАНДЛАРГА МАНЗУР

— Фаолиятимизни кенгайтиришда Савдо-саноат палатасининг тумандаги бизнес-маслаҳат маркази мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда, — дейди корхона раҳбари Давлатбек Мамажонов. — Аввалига енгил автомобил ўриндиқлари учун 4 турдаги бутловчи қисм ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирга келиб майда деталлар сони 16 тага етди. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунга мос равишда ўсиб боряпти.

ЙЎЛИ ОЧИҚ ЁШЛАР

Балиқчи қурилиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Шоҳсанам Пўлатова «Қувват-ул камол» хусусий корхонасида амалиётни муваффақиятли ўтаб, спорт анжомлари ишлаб чиқаришнинг ҳадисини олди. Шоҳсанам сингари жамоа сафига яқинда қўшилган 13 нафар йигит-қиз эрта-индин янги тикув-бичув машиналарига эга бўлади.

Гап шундаки, корхона раҳбари Наврўзбек Ҳамрақулов фаолиятни кенгайтириш мақсадида 10 минг АҚШ доллари эвазига Хитойда ишлаб чиқарилган олти турдаги замонавий ускунага буюртма берди. Эндиликда бу ерда тайёрланадиган маҳсулотлар ўттиз турдан ортади.

Шунингдек, корхона жамоаси билан хорижлик ҳамкорлар ўртасида жорий йилда 123 минг АҚШ долларилик спорт буюмлари экспорт қилиш юзасидан шартнома имзоланди.

ЯНГИЧА КЎРИНИШДА

Асака туманидаги «Умид қурилиш элит» МЧЖ Соғлом бола йилида кичкинтойларга ажойиб туҳфа тайёрлади. Бу ерда ўзлаштирилган ўн турдан зиёд янгича кўринишдаги болаларбоп буюмлар, икки қаватли каравотлар ички бозорда пешма-пеш харид қилиняпти.

Жамият раҳбари Умиджон Дўстматовнинг таъкидлашича, ҳар ойда харидорларга 10 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериляпти. Айни пайтда замонавий технология билан жиҳозланаётган корхонада Мустақиллик байрами арафасида мебел буюмлари тури 20 турга етказилади. Натижада, олти нафар ёш учун иш ўрни вужудга келади.

Нурилло НЎЪМОНОВ, «Ishonch» мухбири

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Яхши ният



Оилада тўрт мучаси бут фарзандниng туғилиши ота-онанинг бахти, қувончи. Бироқ, тақдир тақозоси билан кимдир жисмоний нуқсон билан туғилиши ҳам мумкин. Ёки турли сабаблар, воқеалар асоратида соғлигига путур етади.

Фарзандининг жони оғриётганини ёки тенгқурлари орасида ўзини кемтик ҳис қилаётганини кўриш ота-онанинг дилини оғритиши табиий. Ана шундай вазиятда яқинларнинг ширин сўзи далда бўлади. Бугунги кунда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти ташкилотлари ногирон фарзанд тарбиялаётган оилаларга ана шундай дўст вазифасини ўтамоқда. Неча йилдирки, тармоқда Янги йил ходимларнинг имконияти чекланган фарзандлари учун байрам уюштиришдан бошланади. Ҳар сафар ота-оналар кўзда ёш билан касаба уюшмаларига миннатдорлик билдирадилар, эътибор ва ғамхўрликдан сўнг болалари руҳиятида ижобий ўзгаришлар сезилаётганлигини, атрофдаги воқеа-ҳодисаларда фаол иштирок этишга иштиёқ пайдо бўлаётганини эътироф қиладилар.

— Ҳар бир фуқаро, ёшу қари орзуларини рўёбга чиқариш ва бахтли бўлишга ҳақли. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган,— дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова. — Тараққий қилган жамият, инсоният онгу тафаккурининг юксак даражада ривожланиб бориши натижасида жисмоний нуқсонли инсонларга нисбатан имконияти чекланган атамасини қўллаш эндиликда ноўрин бўлиб қолди. Боиси айрим сабот-матонатли ногирон инсонлар ҳаёти, тажрибаси, иқтидори, билими ва иродаси фикримизни тасдиқлаб турибди.

Узоқ йиллардан буён Муяссар Раҳимова фаолиятини кузатиб келаман, унинг юзлаб ўксик қалбларга дармон бўлганлиги гувоҳиман. Ҳар йили махсус мактаб-интернатларига шаҳар, туман кенгашлари томонидан спорт анжомлари тортиқ қилиниши, турли йўналишларда ташкил қилинаётган кўрик-танловлар, ногирон фарзанд тарбиялаётган ходимларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий кўмак... буларнинг ҳеч бири изсиз кетмаяпти.

— Бугунги кунда мамлакатимизда ногирон болалар тарбияси, таълими, уларни касб-ҳунарга ўргатиш юзасидан амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, — дейди М. Раҳимова.

Опа ўз фикрини ҳаётий мисоллар ёрдамида асослашга уринади:

— Кунларнинг бирида олдимга ўқитувчи аёл келди. Ногирон фарзанди ўн беш ёшга тўлганлиги, тенгқурларига қўшилмаслигини, унинг дардли кўзларига қараб, ўзини айбдордай ҳис қилишини айтиб, йиғлади. Шунчаки ширин сўз билан далда беришнинг ўзи кифоя эмаслигини ҳис қилдим. Ўша кунлари махсус мактаблардан бирида спорт мусобақаси уюштириш ниятида эдик. Аёлга ўғлингизни шу мусобақага албатта олиб келасиз, дедим. У менга ажабланиб қаради. Ўспириннинг тадбирда қатнашишини ўз назоратимга олдим. Мусобақада унинг қўлига ракетка бериб, сен кучлисан, рақибингни албатта енгасан, дея теннис ўйнашга ундадим. Буни қарангки, у мусобақа ғолибига айланди. Кўзларида чўғ, қувонч пайдо бўлди. Шу йигит ҳозир ўн саккиз ёшда. Компютер тузатиш билан шуғулланади. Спортни ўзига ошно тутган. Тадбирларимизда фаол иштирок этади.

Дарҳақиқат, инсон иродасини тоблашда, жамиятда ўз мавқеига эга бўлишида спортнинг ўрни ниҳоятда беқиёс. Шу боис ҳам Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жисмоний имконияти чекланган ёшларни спортга кенг жалб этиш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Йиллар тажрибаси ногиронларни спортга жалб қилишнинг аҳамияти катталигини асослади.

Республикамизда ўн минг нафардан ортиқ ногирон ва имконияти чекланган кишилар спорт билан шуғулланмоқда. Улар ўртасида футбол, дзюдо, енгил атлетика, сузиш, стол тенниси, пауэрлифтинг, ўқ отиш, волейбол каби спорт турлари тобора оммалашмоқда.

— Президентимизнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги муваффақиятларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди М. Раҳимова. — Ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда биз ҳам вилоятимизда паралимпия ўйинларини ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишга қарор қилдик.

Режалар кўп. Аммо ҳаёт дам-бадам ўз тузатишларини киритаётир. «Яхши ният ўйинлари» спорт мусобақаларига дастлаб 100 нафар иштирокчини жалб қилиш белгиланган эди. Бироқ, тармоқ ходимларидан ушбу мусобақада қатнашиш иштиёқидагиларнинг кўплиги ташкилотчиларни унинг кўламини янада оширишга ундади. Мурожаат қилган касаба аъзоларининг ҳеч бирига рад жавоби берилмади. Натижада, «Олимпия захиралари» коллежида уюштирилган «Яхши ният ўйинлари»да 150 дан зиёд соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзолари спортнинг етти тури бўйича ўзаро куч синашдилар.

Ishonch
2014-yil 17-iyul № 87 (3436)

Ёз — 2014

Ҳар жиҳатдан етук, миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойиллар асосида камолга етган фарзанд оила ва жамиятнинг мустаҳкам таянчи, мамлакат келажагининг муҳим кафолатидир.

«Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси» бу борадаги ишлар сифатини янги босқичга кўтариш билан бирга, ёш авлод вакилларини соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини ҳам кенгайтирди. Мавсумни ташкил этиш, фарзандларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, ёзги таътилини мароқли ва сермазмун ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ишлар бўлими мудири Лолахон ХОЛМЎМИНОВА мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

Барча шароит муҳайё

— Ўзбекистоннинг бошқа ҳеч бир мамлакатга хос бўлмаган тажрибаси, яъни болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлашга давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг имкониятларини ҳамкорликда йўналтириш амалиёти бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ушбу масъулиятли жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам болажонларга барча шароитларни яратиб бериш учун тизимли ишларни амалга оширяпти.

Таъкидлаш жоизки, тизимда янгича ёндашувнинг жорий этилгани фарзандларимизнинг ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқариш баробарида, билимларини янада мустаҳкамлаб олишлари учун муҳим омил бўлди. Бу йил мавсумга ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ҳозирлик кўрилди. Федерация Кенгаши мутахассислари, тегишли мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан жойлардаги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастуридаги вазифалар асосида оромгоҳларда мавсумни мазмунли ўтказиш ва болаларни фойдали машғулотларга йўналтириш, уларнинг кўпроқ табиат қўйнида бўлишларини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар, ташкилот ва вазирликлар ҳамкорлигида махсус дастур ишлаб чиқилди. Оромгоҳлар зарур услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланди.

Республика бўйича жорий йилда 1 минг 85 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 214 таси стационар, 739 таси кундузги, 132 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир. Мавсум давомида уларда 281 минг 892 нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган. Ушбу хайрли ишлар учун 36 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.

Айни кунга қадар оромгоҳларда 235 минг 278 нафар (212 та стационар оромгоҳда 120 минг 481 нафар, 680 та кундузги оромгоҳда 111 минг 624 нафар, 97 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳида 3 минг 173 нафар) бола соғломлаштирилди, бу умумий режанинг 83,5 фоизини ташкил этади.

Бу йилги мавсумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Навоий вилоятида «Ишонч» ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан Жиззах вилоятида Амир Темур оромгоҳлари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, мавсумда эътибор кўпроқ жойлардаги кам таъминланган оилалар фарзандларини, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини имтиёзли соғломлаштиришга қаратилмоқда. Бугунги кун ҳолатида оромгоҳларда 2 минг 402 нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари (режа 2000), 40 нафар имконияти чекланган болалар (режа 50 нафар), 13 минг 847 нафар кам таъминланган оила фарзандлари (режа 30 минг 700), 2 минг 670 нафар Оролбўйи минтақаси (режа 4 минг 500) болалари бепул дам олдирилди.

(Давоми 4-саҳифада).

Кўрик-танлов

Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзгидромет» маркази томонидан ҳамкорликда ташкиллаштирилган «Энг фаол ёш авиаходим» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Камолот сари

Танловда «Ўзаэронавигация» маркази, «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси, «Кетринг», «Тошкент», «Самарқанд», «Қарши», «Термиз» ва «Бухоро» халқаро аэропортлари, шунингдек, «Ўзгидромет» марказининг тармоқ босқичига чиққан фаол ва ташаббускор ёш ходимлари касбий билим борасидаги иқтидорларини намойиш этдилар.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг инновацион ғоя, лойиҳа ва технологияларини ҳаётга татбиқ этиш орқали янги иш ўринларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидаги фаолликларини ошириш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан биридир. Авиацияда фаолият юритаётган ҳар бир ходимни ташаббускорликка чорлаш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда иштирокчилар стенд, маъруза, слайд ва видеороликлар орқали меҳнат фаолияти билан барчани таништирган ҳолда, белгиланган шартлар бўйича берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Натижада учинчи ўрин — «Термиз» аэропорти «Камолот» ЁИҲ етакчиси Фарҳод Норғучовга, иккинчи ўрин пойтахт халқаро аэропорти Халқаро ташувларни ташкиллаштириш хизмати агенти Бобурмирзо Мирзажановга насиб этди. Мутлоқ ғолибликка «Ўзаэронавигация» маркази диспетчери Дониёр Жумаев сазовор бўлди.

Голиблар Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

«UAT» АК ва «Тошкент» халқаро аэропорти ходимлари иштирокида тақдим этилган куй-қўшиқлар томошабинларга хушкайфият улашди.

Голиблар республика босқичида ўз иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказишади.

Ўз мухбиримиз



ДАРОМАД КЎПАЙМОҚДА

Фарғона вилояти Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота — Фурқат» фермер хўжалиги мамлакатимизда яратилаётган кенг имконият ва шароитлардан самарали фойдаланиб келаётган хўжаликлардан.

— 2005 йили 27 гектар экин майдони билан фаолиятимизни бошлаган эдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Абдуназаров. — Бугунги кунга келиб умумий экин майдонимиз юз гектардан ошди. Пахта, ғалла, пиллачилик билан бирга чорвачилик, боғдорчилик тармоқларини ҳам ташкил этганмиз. Даромад ҳам шунга яраша ортиб бормоқда.

Айни пайтда 70 ишчи меҳнат қилаётган хўжаликда 55 гектар ғаллазордан 60 центнердан зиёд ҳосил етиштирилди. 37 гектар пахта майдонида ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун барча агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли амалга оширилмоқда. 5 гектарли ўрик, олма боғларида мевалар ғарқ пишган.

Суратда: *фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Абдуназаров.*

ЎзА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ишчи комиссия меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг биринчи босқичида ғолибларни аниқлаш учун тўпланди.

Ғолиблар аниқ

60 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси борасида олиб бораётган ишлари, жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши ҳамда меҳнат шароитларини яхшилашга ажратилган маблағларнинг сарфланиши бўйича тақдим этилган маълумотномалар Низом талаблари асосида кўриб чиқилди.

Натижага кўра, «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» ва «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» номинациялари бўйича турли корхона, ташкилот ва муассасалардан ғолиблар аниқланди. Улар кўрик-танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун тармоқ Республика кенгашларига тақдим этилди.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ШАҲАР «ФАРҒОНА МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги «Марказий Деҳқон бозорини» мукаммал реконструкция ишлари» (модулларни монтаж ва демонтаж қилиш ишлари).

Бошланғич нархи — **636 499 403 сўм ҚҚС сиз ва 763 799 283 сўм ҚҚС билан.**

Қурилиш муддати — **45 кун.**

Қурилиш ишлари: Қарзга оид маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар, Бозор боши кўчаси, 1-уй, тел.(8 373) 244-82-15.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ishonch» газетасининг 2014 йил 15 июл кунги 86-сонида қуйидаги объектлар бўйича

ЛОТ-3

ЛОТ 3.1. «Фурқат тумани Навбаҳор ҚФЙ Чиркай қишлоғидаги намунавий уйларга кириш ички йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи — 120 193 649 сўм ҚҚС сиз ва 144 232 378 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 3.2. «Ўзбекистон тумани Мингтут ҚФЙ Янгиҳаёт қишлоғидаги намунавий уйларга ички ва кириш йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи — 253 314 371 сўм ҚҚС сиз ва 303 977 245 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 3.3. «Бешариқ тумани, Бешариқ ҚФЙ Қўрғонча қишлоғидаги намунавий уйларга кириш ички йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи — 111 566 929 сўм ҚҚС сиз ва 133 880 314 сўм ҚҚС билан.

Муддати – 90 кун.

берилган эълон бекор қилинганлигини маълум қилади.

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 20 август куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «O`PAXTASANOATUYUSHMASI» уюшмасига қарашли 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/468 CDA, бўлган «Мерседес Бенц E200» русумли, бошланғич баҳоси 77 679 300 сўм, бўлган автотранспорт воситаси қўйилади. Мазкур автотранспорт воситаси сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 27 август, 3 сентябр кунлари ҳамда ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига автотранспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Савдолар «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг автотранспорт бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг ХОАТБ «*Infin*BANK» банкидаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, e-mail: info@auksion.uz, тел: (8595) 177-96-74.Гувоҳнома № 005148.

Хизматлар лицензияланган.

II-Тошкент юридик коллежи томонидан 2013 йилда Абдуллаев Шохрух Алижонович номига берилган қайд рақами **12413, KN№ 3163285** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2013 йил 05 июлда № 597 реестр бўйича тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган **«ISKANDARBEK HIMOYA»** адвокатлик фирмаси 2014 йил 15 июлдан ўз фаолиятини тугатишини маълум қилади. Эътирозлар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўйинлари

Ушбу мусобақаларда ҳазорасплик Нодирбек Абдуллаев ва Фотима Қодировалар ҳаммада катта таассурот қолдирди. Тақдир тақозоси билан ногиронлик аравачасига муҳрланиб қолган бу ёшлар ҳар доим ҳар жабҳада атрофдагиларга ўрнак кўрсатиб келишади. Уларнинг шижоатидан, меҳр-оқибатидан кўпчилик ибрат олса арзийди. Бу ёшлар ўтган йили декабр ойида оила қуришди. Эндиликда ўз ақлу заковатлари, тиришқоқлиги, интилувчанлиги туфайли бир-бирига далда бўлиб, ҳаётда ва жамиятда ўз ўринларини топишди. Нодирбек компьютер устаси. Компютерга дастурлар киритишда унча-мунча одам унинг олдига тушолмайди.

— Компютерда бутун олам мужассам, — дейди у. — Ундан самарали фойдаланаётган ёшларимиз кўплаб муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ножоиз фойдаланувчилар эса гулдек умрларини хазон қилишаётганини ўзлари ҳам билишмайди.

Оила соҳиби ҳам, бекаси ҳам дунёқараши кенг, илғор фикрловчи ёшлар. Ғалабага бўлган иштиёқ туфайли ҳам иккиси мусобақаларда фаол иштирок этишди. Нодирбек дартс бўйича 12 та иштирокчини ортда қолдириб биринчи, пауэрлифтинг бўйича учинчи ўринни қўлга киритди. Фотима эса дартсда учинчи, армрестлингда иккинчи ўрин соҳибаси бўлди.

— Мусобақаларда иштирок этиб кўнглимиз кўтарилди. Спорт инсоннинг узоқ умр кечиришида асосий восита саналади. Биз ҳар доим жисмонан фаол бўлишга ҳаракат қиламиз, — дейди Нодирбек Абдуллаев.

— Ўзимизни соғлом одамлардан кам деб ҳисобламаймиз. Биз — бахтлимиз, — уни қувватлайди Фотима Қодирова.

«Яхши ният ўйинлари»ни кузатган киши ҳар бир иштирокчи қалбида шижоат қайнаб турганига, кўзлари эса бахтдан чақнаганига шоҳид бўлганлиги аниқ.

— Туғма ногиронман. Бироқ ўзимни ожиз ҳисобламайман, — дейди тўпни халқага ташлаш бўйича ғолибликни қўлга киритган урганчлик Шуҳрат Жуманиёзов. — Бугунги мусобақалар жуда зўр ўтди. Касаба уюшмаларидан чексиз миннатдормиз. Барча имконияти чекланган инсонларни спорт билан мунтазам шуғулланишга чорлаётир.

Натижалардан диллар жунбушга келади. Бадминтон бўйича ўзаро куч синашган аёллардан қўшқўпирлик Муқаддас Раҳимова, эркаклар ўртасида янгибозорлик Ҳасанбой Хўжаниёзов, дартс бўйича ҳазорасплик Нодир Абдуллаев, тўпни халқага ташлашда Урганч туманидан Шуҳрат Жуманиёзов, енгил атлетика бўйича 60 метрга югуришда иштирок этган аёллар орасида урганчлик Санобар Собирова, эркаклар орасида янгибозорлик Ҳасанбой Хўжаниёзов, турган жойда узунликка сакрашда Санобар Собирова ва боғотлик Сардор Қаландаров, стол теннисида урганчлик Сайёра Тожиева ва Урганч туманидан Мақсуд Абдуллаев, пауэрлифтингда хивалик Дилмурод Худойберганов, армрестлингда янгиариқлик Иззат Саидов ва ҳазорасплик Дурдироза Матяқубова биринчи ўринни қўлга киритдилар. Мусобақа ғолиблари ва совриндорлари Хоразм вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмаси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Барча иштирокчиларга касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Шакаржон Хўжаниёзова, республика паралимпия қўмитаси вакиллари иқтидорлилар жуда кўплигини эътироф қилишди. Улар жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамасдан ҳаётни жуда севишади, жамиятда ўз ўрнини топишга интилишади. Бунинг учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишади. Уларнинг бу ҳаракатлари хаста фарзандларига қараб азият чекаётган ота-оналарнинг ёки ногирон ота-онасига қандай кўмак беришни билмай ғуссага ботган фарзандларнинг ҳам қалбида умид чироқларини ёқмоқда. Спорт билан шуғулланувчи ногиронларнинг жисмоний оғриқлари маълум даражада пасайганлиги, умрлари узайганлиги кузатилмоқда.

Хивадаги 97-махсус мактаб-интернат жамоаси томонидан намойиш қилинган концерт дастури тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

— Жисмоний имконияти чекланган инсонлар қалбига йўл топишда, жамиятда мавқеини мустаҳкамлашда спортнинг роли катта. Мусобақаларда иштирокчилар ғалабага, ҳаётга бўлган интилишларини, жасорат, матонатини намойиш қилдилар, — дейди Муяссар Раҳимова. — Биз буни албатта инобатга оламиз ва улар учун янги имконият эшикларини очишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг иқтидорларини кашф қилишга йўналтирилган янги лойиҳаларимиз кўп. Ижтимоий шериклик тамойилига асосланган ҳолда уларни амалга оширишда давом этамиз.

Ҳа, касаба уюшмаларининг савобли амаллари, режалари бисёр. Мақсад эса тинч ва осойишта замонда, барқарор ривожланаётган мамлакат фуқаролари ҳар доим тенглар ичра тенглигини, юртга кераклигини ҳис қилиб яшашларига ва шунга монанд ҳаракат қилишларига эришишдир.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА.

Суратларда: *«Яхши ният ўйинлари»дан лавҳалар.*

К. ЎРОЗИМБЕТОВ олган суратлар





Ishonch
2014-yil 17-iyul № 87 (3436)





ЎзА суратлари

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада).

Барча шароит муҳайё

Болалар хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилаётганлиги сабабли бу борада ижобий тажриба тўпланди. Оромгоҳларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш мақсадида 1 минг 741 нафар ички ишлар идоралари ходимлари, 1 минг 15 нафар маҳалла посбонлари бириктирилди ва улар 897 та алоқа ҳамда 312 та транспорт воситалари билан таъминланди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан оромгоҳлар ва унинг атрофида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказилиб, профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан бевосита болалар иштирокида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари ўтказилмоқда.

Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан оромгоҳларда болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ҳамда таом тайёрлашда санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Натижада, оромгоҳларда болаларнинг 4-5 маҳал овқатланиши ташкил этилмоқда ва берилаётган овқатларнинг калорияси оширилди. Шунингдек, мунтазам равишда оромгоҳларни сут маҳсулотлари билан таъминлаш тизими яратилди. Бундан ташқари, болалар соғлигини ҳимоялаш мақсадида 1 минг 500 нафар тиббиёт ходими жалб этилиб, барча оромгоҳлар қорақурт ҳамда илон заҳрига қарши зардоб дори воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Оромгоҳларда таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатдан яхшилаш ва ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳар йили ихтисослаштирилган оромгоҳлар турларини кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилаяпти. Жорий йилги мавсум учун ушбу оромгоҳлар сони ўтган йилга нисбатан 50 фоизга кўпайтирилди. Ҳар бир ҳудуд мактабларида турли фанлар бўйича ўтказилган «Билимлар беллашуви» ғолиблари учун интеллектуал ривожлантириш, болаларни табиатга қизиқтириш мақсадида 14 та экологик-биологик, ўлкашунослик, 14 та техник ижодкорлик ва 11 та ижтимоий мослашув оромгоҳлари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, 15-18 ёшли болалар учун корхона, ташкилотларда 97 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилиб, бунда 3 минг 173 нафар бола қамраб олинди. Улар учун амалиёт билан биргаликда куннинг иккинчи ярмида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар уюштирилмоқда.

Биргина Янгибозор туманидаги «Шунқор» интеллектуал болалар оромгоҳида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида Янгибозор, Урганч шаҳри ва туманида билимлар беллашувлари ва турли мусобақаларда ғолиб бўлган 193 нафар ўқувчи дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Бу масканда ўқувчиларнинг жисмонан чиниқиши, маънавий камол топиши, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаши учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, бой китоб заҳирасига эга кутубхона, компютер хонаси, спорт майдончалари, қулай ва шинам ётоқхоналар, мазали ва дармондориларга бой таомлар тайёрланаётган ошхона болажонлар хизматида. Тўгараклар, хусусан, инглиз тили тўгараги барча зарур воситалар билан таъминланиб, ўғил-қизлар ноанъанавий машғулотлар билан қамраб олинмоқда. Юқори педагогик маҳоратли устозлар ҳам мавсумга жалб этилган. Оромгоҳда болаларимиз учун яратилган шароитлардан, айниқса, ота-оналар беҳад мамнун.

Ўсмир ёшдаги ўғил-қизларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказиш ва соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасасида меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолияти кенг йўлга қўйилди. Жумладан, Қўнғирот сода заводида Қўнғирот кимё саноати касб-ҳунар коллежининг 83 нафар, Нукус шаҳри 19-автокорхонасида Нукус автомобил ва йўл хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 43 нафар, «Элликқалъа глобал текстил» корхонасида Бўстон ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг 59 нафар, Хўжайли тумани электр тармоқлари корхонаси Тахиатош шаҳар филиалида Тахиатош энергетика касб-ҳунар коллежининг 30 нафар, Қўнғирот тумани Устюрт қидириш-бурғилаш унитар корхонасида Қўнғирот нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг 33 нафар, Кегейли тумани «Халқободмомиғи» АЖда Кегейли агросаноат касб-ҳунар коллежининг 30 нафар ва бошқа корхоналарда жами 425 нафар ўқувчининг амалиёт давридаги бўш вақтлари мазмунли ташкил этилиб, соғлиги мустаҳкамланди.

Амалиёт ўташладиган корхона раҳбарлари билан келишилган ҳолда таълим муассасалари тасдиқлаган режа асосида корхоналардаги дам олиш масканларида зарур шарт-шароитлар яратилди. Ёшларнинг бўш вақтларида спортнинг шахмат-шашка, футбол, волейбол, баскетбол ва теннис турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Шунингдек, 64 та маънавий-маърифий тадбир, кўрик-танлов, давра суҳбатларида маҳалла фаоллари, ИИБ ва тиббиёт ходимлари, санъаткорлар ва зиёлилар таклиф этилди. Бу каби хайрли ишларни бошқа оромгоҳлар мисолида ҳам келтириш мумкин.

Тарбияси оғир бўлган болалар учун 14 та ҳудудда ҳарбий спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Шунингдек, ёзги таътилни уйда ўтказаётган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 211 та «Баркамол авлод» болалар маркази, мактабларда, маҳаллаларда 30 минг 651 та спорт майдончаси, 212 та ахборот-ресурс марказининг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 480 минг нафардан ортиқ бола жалб этилган.

Бугун ёш авлод маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш масаласи устувор вазифа бўлиб, оромгоҳларда 16 минг 900 нафардан зиёд малакали педагогик кадрлар, спорт йўриқчилари, маданият ва бошқа соҳа ходимлари, тўгарак раҳбарлари болажонларга истеъдод қирраларини очишда кўмаклашмоқда. 3 мингдан ортиқ турли тўгараклар, шу жумладан, ҳар бир оромгоҳда чет тилларини ўргатиш бўйича махсус тўгараклар ташкил этилди.

Барча оромгоҳлар болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида услубий қўлланмалар, сценарийлар, тавсиялар, болалар учун филмлар, қўшиқлар тўпламлари билан таъминланган. «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати», «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Соғлом бола — юртимиз келажаги» ва бошқа шиорлар остида ўтказилган 16 мингдан ортиқ турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари яхши самара бермоқда.

Ҳар бир оромгоҳда футбол, волейбол майдонлари мавжуд, стол тенниси, шахмат ва шашка тўгараклари ишлаб турибди, сузиш ҳавзаси болалар ихтиёрида. Уларнинг бўш вақтларини тўғри ва самарали ташкил этиш учун моҳир қўллар, рақс ва бошқа тўгараклар, маънавият ва маърифат хонаси фаолият кўрсатмоқда.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ қошидаги Республика штаби томонидан мавсумнинг бориши бўйича кунлик назорат ва мониторинг олиб борилмоқда.

«Ishonch» мухбири
Амина ҚОДИРОВА
ёзиб олди

Эътиқод либосда эмас, кўнгилда

Дугоналарим билан уйга кетаётган эдик, йўлимизни бир қиз кесиб ўтди-ю, барчамизнинг хаёлимиз бўлинди: замонавий кийинган десак, бошига ҳижоб ўраб олган, аммо... кийимлари танасига чиппа ёпишиб турибди. Яна шунчалик ҳарирки, ҳатто ички кийимлари рангини осонгина ажратиш мумкин. Очиғи, бу қизнинг кийинишидан барчамиз ёқа ушлаб қолдик. Беихтиёр доноларимизнинг «кийим ҳаё ва ибонинг ташқи кўринишидир» деган ҳикмати ёдимизга тушди.

КЎЙЛАКЛАРИ ҲАРИР ҚИЗ

Маълумки, ҳар бир одам ички дунёсидан келиб чиқиб либос танлайди. Кишининг тарбияси, дунёқараши, фаросати у кийган либосларда акс этади, албатта.

Улуғ ёзувчиларимиздан бири «Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлиши керак» деган. Агар кишининг қалби ва фикри гўзал бўлса, унинг кийиниши ҳам ўз-ўзидан чиройли кўринишда бўлади. Либос танлашда ўзлигимиздан келиб чиқиб, табиатимиз, касбимиз, яшаш шароитимизга мос йўл тутган одам асло янглишмайди.

Менимча, кўнгил поклиги қилаётган амалимиз, савоб ишларимизда акс этгани маъқул.

Либос инсон руҳияти билан ташқи дунёсини уйғунлаштиргандагина у эгасига ярашади. Негаки, либосда одамнинг ички дунёси билан ташқи дунёси ўртасидаги мутаносиблик акс этади.

Кийиниш маданияти ҳақида сўз кетганда биз бир нарсани, яъни шарт-шароитни унутмаслигимиз керак. Уй, ўқиш, иш, меҳмондорчилик, тўйларни назарда тутиб либос танлаш — кийиниш маданиятининг бир белгисидир. Ҳозир атлас, адрас, беқасамни ишга, ўқишга доимий кийиб бориб бўлмайди. Уларни кийишнинг ўз ўрни бор. Шунингдек, замонавийликдан узилиб, бошдан-оёқ ҳижобга ўралиб олиш ҳам миллатимизга хос эмас. Эътиқод либосда эмас, аввало кўнгилда бўлиши керак.

Кийинишимизда ҳам ўзбеклигимиз акс этиб турса, ўқишу ишда иччам, бежирим, замонавий либосда, байраму тўйларда атласу адраслардан тикилган либосларни кийиб, ял-ял товланиб юрсак, қандай яхши!

Кундуз СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳри

Ҳикмат

Фикрлаш бир ойнадир, сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатади.

ФУЗАЙЛ

Жорий йил 12 июн-13 июл кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилган ўзбекистонлик ФИФА реферири Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Абдуҳамидулло Расулов юртимизга қайтиб келди.

ЎЗБЕК ҲАКАМЛАРИ ЮРТИМИЗГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча спорт турлари қатори футболни ривожлантириш, ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб этиш, истеъдодли футболчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. ФИФА реферири Равшан Эрматовнинг кетма-кет икки жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилгани ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Бразилияда ўтказилган чемпионатда Европадан тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан битта ҳакамлар бригадаси учрашувларни бошқарди. Равшан Эрматов МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари орасида ушбу жаҳон чемпионатига жалб этилган ягона бош ҳакамдир.

Нуфузли мусобақада Р.Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси жами тўртта — гуруҳ босқичида Швейцария — Эквадор, АҚШ — Германия ва Мексика — Хорватия, чорак финалда Голландия — Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни бошқарди. Эътиборлиси, ҳамюртимиз ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — 9 учрашувни бошқариб, жаҳон рекордини ўрнатди.

— Жаҳон чемпионатидаги ҳар бир ўйин олдидан Президентимизнинг биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам деган сўзларини доимо ёдимизда сақладик, — дейди Р.Эрматов. — Учрашувларни бошқаришда юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турдик.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларни бошқариб келаётган Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли турнирлар — 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги жаҳон чемпионати, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йили XXX ёзги Олимпия ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда эса Бразилияда ўтган конфедерациялар кубоги баҳсларида ҳакамлик қилди.

Равшан Эрматов Осиёнинг «Энг яхши ҳакам» номинациясида кетма-кет тўрт маротаба ғолиб бўлган қитъамиздаги ягона футбол ҳакамидир. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда жаҳоннинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни юқори савияда бошқариб келаётган Р.Эрматов 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олган.

Бразилиядаги жаҳон чемпионати мусобақаларини юқори савияда бошқарган Р.Эрматов футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қиладиган worldreferee.com сайти эълон қилган рейтингда ҳам пешқадамлик қилди.

Жаҳон чемпионати учрашувларини бошқаришда Равшан Эрматовга ҳамюртимиз, Осиё футбол конфедерацияси томонидан 2011 йилда қитъамизнинг энг яхши қанот ҳаками деб топилган Абдуҳамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам берди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Нукус шаҳридаги 2-тиббиёт коллежи битирувчиларига мутахассислик дипломлари топширилди.

2013-2014 ўқув йилида коллежни тиббий профилактика иши, ортопедик стоматология, фармацевтика ва ҳамширалик иши йўналишлари бўйича 573 нафар ўқувчи муваффақиятли битирди.

Суратда: Нукус шаҳридаги 2-тиббиёт коллежи битирувчилари.

ЎзА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
олган сурат



«Абитуриент — 2014»

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ҳаётдаги тасдиғи ҳар бир ўғил-қизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариши, ўзи хоҳлаган касбни танлаши, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун имконият яратмоқда.

Синов арафасида

Сир эмас, юртимизда ёшларнинг олий маълумотли бўлишга интилиши йил сайин ортиб бораяпти. Масалан, 2012 йилда барча олий таълим муассасаларига 432 минг абитуриент ҳужжат топширган бўлса, 2013 йилда 480 мингдан зиёд йигит-қиз ўқиш нияти борлигини билдирган.

Мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларидан бири саналган Тошкент ахборот технологиялари университети ўз билимига ишончи мустаҳкам ёшлар билан ҳар йилгидан-да гавжум.

— Университетнинг почта алоқаси технологиялари бўлимига ҳужжат топширдим, — дейди Наврўз Қамбаров. — Мактаб ва лицейда олган билимларим кўл келишига ишонаман. Мамлакатимизда ўқишга кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича изчил тизим жорий этилгани хурсанд қилади. Зеро, замонавий илм-фан, таълим ва ахборот технологияларига асосланган ҳолда амалга ошириладиган тест синовлари абитуриентларнинг билим даражасини аниқ ва холисона баҳолаш имконини беради.

— Мен ахборотлаштириш кутубхона-шунослик йўналиши бўйича таҳсил олиш ниятидаман, — дейди Гулшода Валиева. — Ўтган йили ҳам шу университетга ҳужжат топширгандим. Талаба бўлишим учун олти балл етмади. Ўтган даврда пухта тайёрландим. Ўйлайманки, бу гал омадим чопади.

Университет ҳудудида абитуриентларнинг ўқув қуроллари сотиб олиш, суратга тушиш, овқатланишлари, кутувчиларнинг дам олиши учун махсус жойларнинг ташкил этилгани қабул жараёнига пухта тайёргарлик кўрилганидан далолат беради.



ЎзА сурати

— Таълим муассасамизда қабул комиссияси фаолияти, абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда бошқа зарур маълумотни жойлаштириш учун махсус эълон тахталари ташкил этилган ва улар ҳар куни янгилаб борилади, — дейди университет қабул комиссияси масъул котибининг ўринбосари Шавкат Ражабов.

Бу йил абитуриентларни тест синовидан ўтказиш сифати ва холислик даражасини янада ошириш, уларнинг интеллектуал даражаси, дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолашда бир қатор янгиликлар жорий этилди. 2014-2015 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовларига информатика ва ахборот технологияларига тааллуқли савол ҳамда топшириқлар ҳам киритилган.

Абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда мутахассислик бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилишда тест синовларига киритилган фанлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Шу боис мамлакатимизда ахборот тизимлари ва компютер тармоқларини бошқариш, дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқиш бўйича халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20. 30
Topshirildi - 20. 50

E-mail:Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4